

ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЕТАКЧИЛАРИ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси 28 июнь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас Қурбон ҳайити билан бир-бирини самимий қутладилар. Ўзбекистон ва Мисрнинг дўст халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари билдирилди.

Жорий йилнинг февраль ойида Қоҳирага олий даражадаги расмий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик муносабатлари аниқ мазмун билан бойиб бораётгани қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳалари ва саноат кооперацияси дастурларини илгари суриш бўйича таъсирчан чоралар қўриш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Миср етакчилари маданий-гуманитар алмашинувини янада фаоллаштириш муҳимлигини ҳам таъкидладилар. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар қўриб чиқилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон умматининг муқаддас байрами, халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган, эзгулик, бағрикенглик, меҳр-мурувват ва саховат каби боқий умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Қурбон ҳайити — Йид ал-Адҳо муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар етакчилари, нуфузли сиёсат, жамоат ва дин арбоблари, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан табриklar келмоқда.

Қутловларда Ўзбекистон етакчиси ва кўп миллатли халқига ҳурмат-эҳтиром, тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган, мамлакатимиз билан дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустақамлашга интилиш тасдиқланган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриklarини йўлаган: Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**; Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**; Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**; Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**; Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**; Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбаев**; Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**; Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**; Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Сенат кўмитасида КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИДА ДАМ ОЛИНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг навбатда- ги ялпи мажлиси кун тартиби доирасида қўриб чиқи- лиши назарда тутилган масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб "Ўзбекистон Рес- публикаси Меҳнат кодекси- нинг 208-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш тўғри- сида"га қонун қўриб чиқилди. Ушбу қонун билан энди- ликда 11 ноябрь куни — Ўзбе- кистон касаба уюшмалари куни деб белгиланмоқда ҳамда 11 ноябрь ишланмай- диган байрам куни сифатида қайд этиляпти. Шундан сўнг мажлисда "Ўзбекистон тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун тахлилга тортилди. Қонунга асосан адвокатлик

лицензиясини олиш учун қўйилган талаблардан бири бўлган юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиш тартиби бекор қилинмоқда. Бу орқали адвокатура со- ҳасига ёш кадрларни жалб этиш, адвокатлар сонининг ортishi ҳамда аҳолига сифат- ли хуқуқий хизмат кўрсатиш имконияти яратилишига эришилади. Шу билан бирга, мажлис- да "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес- публикаси Қонунига ўзгариш- лар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга ҳам тўх- та- либ ўтилди. Муҳокама этилган масала- лар юзасидан Сенат кўми- та- сининг тегишли қарори қабул қилинди.

ҲАРБӢЙ ВА ТРАНСПОРТ ПРОКУРОРЛАРИГА НИСБАТАН ЁШ ЦЕНЗИ ҚўЛЛАНИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан Суд-хуқуқ масалалари ва кор- рупцияга қарши кураishi кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилин- ди. Дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан "Прокура- тура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қўриб чиқилди.

2

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари бир-бирини ва қардош халқларимизни муборак Қурбон ҳайити билан дилдан қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этдилар. Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди. Олий даражадаги келишувларга мувофиқ сиёсий, савдо- иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлик юқори суръат ва самарали тус олгани қайд этилди. Юртимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён қарийб 100 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Жорий йил 1 июль кунидан бошлаб Имтиёзли савдо тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг кучга кириши ўзаро савдо ҳажмининг янада ортishiга хизмат қилади. Икки мамлакат шаҳарлари ўртасида авиақатновлар кўпаймоқда. Сўхбат чоғида халқаро ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси қўриб чиқилди. Ўзбекистон — Туркия олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги ййгилиши кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**; Қатар Давлати Амири **Тамим бин Ҳамад Ол Соний**; Кувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**; Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик Ал Саид**; Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**; Ироқ Республикаси Президенти **Абдуллатиф Жамол Рашид**; Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар Асад**; Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

САНОАТ, САВДО ВА ҚУРИЛИШ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА



АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимлар ижросини жадаллаштиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Телефон мулоқоти аввалида давлат раҳбарлари бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлиш Қурбон ҳайити — Йид ал-Адҳо билан бир-бирини дилдан қутлаб, икки мамлакат халқларига тинчлик-осойишталик, равнақ ва барқарор тараққиёт тиладилар. Самарқандда ўтган олий даражадаги учрашув икки то- монлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиққани ва аниқ мазмун билан бойитгани ҳақида яқдил фикр билдирилди. Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда қабул қилинган қўшма қарорлар ижросининг боришини қўриб чиқдилар. «Яшил» энергетика, молия, инфратузилма, транспорт ва логистика, қурилиш ва бошқа тармоқларда- ги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Халқаро ва минтақавий кун тартибининг энг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**; Кувайт Давлати валиаҳди **Мишаал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**; Фластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**; Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**; Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**; Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**; Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**; Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) бош директори **Салим ал-Малик**; Кавказ мусулмонлари идораси раиси, МДХ Динлараро кенгаши ҳамраиси шайхулислом **Оллоҳшукур Пошшозода**.

Кутловлар келишда давом этмоқда.

САНОАТ, САВДО ВА ҚУРИЛИШ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисо- диётини шакллантириш, мамлакатни ижтимоий- иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш ва шу асос- да жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фа- ровонлигини таъминлашда халқ ҳўжалигининг етак- чи тармоқлари ҳисобланган саноат, қурилиш ва савдо соҳалари муҳимлиги жиҳатидан алоҳида ўринни эгаллайди.

НУҚТАИ НАЗАР

Айниқса, глобаллашув ва рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳудудларнинг мувозанатли ва самарали ривожланишида мазкур тар- моқлар мамлакат барқарор иқтисодий ўсишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда охириги олти йилда қанчалик оғир бўлма- син, иқтисодий ислохотлар қатъий давом эттирилмоқда ва ички имкониятлар тўлиқ са- фарбар қилиниб, хусусий сек- тор янада қўллаб-қувватланяп- ти. Қолаверса, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислохотлар жадаллаштирилди.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI 9-IYUL

Газетамишнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг. >>>

Биз ва жаҳон

ХОРИЖИЙ ОАВ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ БОРИШINI КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Хорижий ОАВ Ўзбеки- тонда мuddатидан илгари президентлик сайлови кампаниясини диққат би- лан кузатиб бормоқда. Ҳар куни етакчи ахборот агент- ликлари, босма ва элект- рон нашрларда мамлака- тимиздаги ушбу муҳим сиёсий жараёнга бағиш- ланган туркум мақолалар эълон қилинмоқда. Хусусан, яқин хориж ва Марказий Осиё мамлакат- лари ОАВнинг эътибори Ўзбекистондаги мuddати- дан илгари Президент сай- ловига қўйилаётган тайёр- гарлик жараёнига қаратил- ган, десак, муболага бўлмайди. Бундай юқори қизиқиш ўз-ўзидан тушу- нарли, чунки сунгги йил- ларда мамлакатимизнинг минтақавий қарашлари Марказий Осиёдаги сиёсий муҳит ва иқтисо- дий вазиятга сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Қозоғистоннинг «Чело- век и закон» газетаси, «Инфозакон» журнали, То- жикистоннинг етакчи «Avesta» ахборот агентли- ги, Қирғизистоннинг «Ве- черний Бишкек» газетаси ва «Кабар» ахборот агент- лиги веб-сайтларида, Туркменистоннинг омма- боп «ORIENT» порталида, шунингдек, «Российская газета»сида, Озарбайжон- нинг «Vzglyad.az» ахборот агентлигида ва МДХ ма- конидаги бошқа нуфузли ОАВда Ўзбекистондаги сайловолди ташвиқоти тафсилотларига оид кўплаб мақола ва янгилик- лар эълон қилинмоқда. Хусусан, ОАВ Ўзбекис- тоннинг энг юқори лаво- зимига номзодлар, улар- нинг Сайловолди дастурла- ри, мамлакатимиз сайлов тизимининг асосий тамо- йиллари, шунингдек, юрти- мизда мuddатидан илгари Президент сайлови учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган янгиланган Консти- тучиямиз нормалари ҳақида хабар берапти.

«Конституциявий исло- хот Янги Ўзбекистоннинг мустақам пойдевори, — деб ёзилади «**Vzglyad.az» ААда**. — Ҳокимиятнинг барча тармоғида ўзгариш- лар бўлмоқда, улар ўрта- сидаги муносабатлар, му- возанат янгиланаётир. Ян- гиланган Конституцияда Президент, парламент, ва- зирлар ва судьялар олди- га турли вазифалар бел- гиланди». «Ўзбекистон ва хорижий ОАВнинг 854 нафар ваки- ли 9 июлга белгиланган мuddатидан илгари Президент сайловида акк- редитациядан ўтказилди, — деб қайд этади Туркме- нистоннинг «**ORIENT» портали муҳбири**. — Шунингдек, мuddатидан илгари Президент сайло- вида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни аккредита- циядан ўтказиш тўғрисида- ги Марказий сайлов комис- сиясининг қарори билан 51 нафар кузатувчи рўйхатга олинди».

“...Маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТУГАНМАС МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Бу ҳаётда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик аср- лар оша курашиб келади. Маълум даврларда ёвузликнинг тантана қилиб, эзгуликнинг мағлуб кўриниши дунёни яккаш оқ ранглардан иборат деб билувчиларнинг қалбини ғусса- га тўлдиради. Жаҳолат голиб бўлган мураккаб даврларда ҳам маърифат туғини баланд кўтариб яшаганлар юксак ирода соҳиби эканидан ташқари, ўз халқи қалбида мангу машъала ёқишни уddалаган инсонлардир. Қадим Тошкент- нинг улуг диний сулола вакили Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ана шундай буюк зот эди.

Улуғ сиймолар ёди

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, мада- ний-маърифий муҳит тақозосига кўра, юртимиз тарихида ислом ин- сониятга тўғри йўл кўрсатувчи му- қаддас дин сифатида жамият ҳаётида ҳамиша муҳим ўринга эга бўлиб келган. Ўзбек заминда руй

берган ҳар икки Ренессанс ва бу- гунги кунда эпкини эсиб турган янги Уйғониш асосида ҳам ислом маърифати тургани бежиз эмас. Шу билан бирга, Ўзбекистон Рес- публикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблея-

сининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи- да илгари сурган ташаббуси, БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияси қабул қилинишини ва юртимизда аср- лар бўйи амал қилиб келган ислом динининг янгича мазмундаги ижобий фазилатлари дунёга намойиш этилишини бир маҳаллар орзу ҳам қилиб бўлмас эди.

4

ХОРИЖИЙ ОАВ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНING БОРИШИНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

«Вечерний Бишкек» газетасида Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси Гулноза Раҳимова билан Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президент сайловида халқроқ кузатувининг аҳамиятига бағишланган интервью чоғ этилди.

Европа ОАВда ҳам бўлажак сиёсий тадбирнинг Ўзбекистон ва унинг халқроқ ҳамкорлари учун аҳамиятини очиб берувчи бир қатор таҳлилий мақолалар ёнлан қилинди. Жумладан, **Нидерландиянинг «Diplomat Magazine»** наشري Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистондаги мuddатидан илгари Президент сайловини кузатиш бўйича миссияси иш бошлагани ҳақидаги мақолани ўз ўқувчилари эътиборига тақдим этди.

«ДИИХБ миссияси Тошкентда жойлашган асосий жамоадан иборат 11 нафар халқроқ эксперт ва 14 июндан бүгун мамлакат бўйлаб жойлаштирилаётган 24 та узок мuddатли кузатувчини ўз ичига олади. Миссияга элчи Урсула Гачек бошчи-

лик қилмоқда. ДИИХБ, шунингдек, сайлов кунидан бир неча кун олдин келадиган 250 та қисқа мuddатли кузатувчини жалб этишни режалаштирмоқда», дейилади нашрда.

Бундан ташқари, мазкур нашрда Ўзбекистонда сайлов тизимининг ривожланишига бағишланган мақола ҳам чоп этилган. Унда таъкидланишича, Ўзбекистонда сайлов тизими халқроқ ҳуқуқнинг умумэтироф қилинган норма ва тамойилларига мос келади.

Польшанинг машхур «Eurogospodarka» («Евроэкономика») иқтисодий журналида Ўзбекистон Президентлигига рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотлар эълон қилинди. Нашр 2023 йил минтақа давлатлари учун тобора муҳим ҳамкорга айланиб бораётган Ўзбекистонда катта сиёсий ўзгаришлар йили бўлишини таъкидлаган. Мамлакатда янгиланган ҳокимият тизими фаол ривожланмоқда.

«Қисқа ва ўрта мuddатли истиқболда Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий вазиятнинг олдиндан айтиш мумкин. Сўнгги олти-

етти йил ичида Ўзбекистоннинг сиёсий тизими янада очик бўлди. Аҳоли кўпроқ маълумотга эга бўлди, иқтисодий тармоқлардан фаол фойдаланилапти, рақамли технологияларнинг аҳамияти ортиб бораёттир. Мамлакат ҳукумати жамиятнинг қўллаб-қувватлашига умид қилиб, фуқароларнинг иқтисодий-сиёсий фаоллигини оқшайлади ва қўллаб-қувватлайди, аҳолининг фаоллиги конструктив йўналишда давом этишига умид қилади. Албатта, сайлов натижалари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам жуда муҳим», — деб ёзилади «Eurogospodarka» да.

Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири — **«The Korea Post» журналининг** расмий веб-сайтида Ўзбекистон Президентлиги сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани тўғрисидаги янгилик жойлаштирилган. Нашрда ёзилишича, Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра мамлакатдаги сиёсий партиялар ўз қурултоиларини ўтказиб, уларда 9 июль кунини бўлиб ўтадиган Президент сайловида ўз номзодларини кўрсатган.

Ҳиндистоннинг машхур «Дайникджагаран» ва «The Tribune» газеталарида ушбу мавзуга бағишлаб босилган мақолаларда Ўзбекистонда сўнгги йилларда ҳаётнинг барча жабҳасини, жумладан, сўз эркинлиги ва ошкораликни қамраб олувчи изчил ислохотлар амалга оширилаётгани қаламга олинган. Мuddатидан илгари сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарор янгиланган Конституция тасдиқланганидан сўнг қабул қилинди, чуқки Асосий Қонунга кўра, кенг қўлланил ислохотларни янги куч ва шижоат билан давом эттириш зарур.

«Дайникджагаран» Ўзбекистон Президентлигини қўйдаги сўзларидан иқтисос келтирган: «Конституциявий референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда қўрсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошланган ислохотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор номоён этди. Эл-юртимиз-

нинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди».

«Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалдаги ваколати тугашига қарийб уч ярим йил борлигига қарамайдан, мuddатидан илгари сайлов ўтказишга қақирди, — деб ёзади «The Tribune» нашри муҳбири. — Сайлов кампанияси бошланди, овоз бериш 9 июлга белгиланди. Марказий Осиё давлати Президентли сайлови сўнгги йилларда жамият ҳаётига жорий этилаётган сўз эркинлиги ва очиклик каби ислохотлардан иборат янги тараққиёт йўлининг марказига қўйилаётганини эътироф этмоқда.

Хорижий ОАВ, шунингдек, чет давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг сайловда мuddатидан олдин овоз беришларини ташкил қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ёзмоқда.

«Дунё» АА.

Семинар ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР РОЛИ ОРТМОҚДА

Куни кеча Олий Мажлис Сенатида Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Экспорт ҳажмларини таъминлашда ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги тегишли ҳудудий лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгаш депутатларининг устувор вазифалари» мавзусида семинар уюштирилди.

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ташқи ишлар ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари вакиллари, журналистлар қатнашди.

Семинар давомида мутахассислар томонидан хорижий ҳамкорлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг бугунги ҳолатига оид батафсил маърузалар тингланди, асосий муаммолар таҳлили ва устувор вазифалар рўйхати берилди.

Таъкидланганидек, маҳаллий вакиллик органлари аҳоли билан бевосита мулоқотнинг муҳим бўлиши, Ўзбекистон Республикаси бўлиб, жойларда долзарб масалалар ечимини топиш, инвесторларга амалий ёрдам кўрсатиш, энг муҳими, мазкур ҳудуд манфаатлари асосида қўнунчилик нормалари ва экологик талабларга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг олиб борилиши зарур.

Ҳудудларда яратилган қулай сармоявий муҳит истиқболда лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, илгор технологияларни жорий этиш ва юқори ҳақ тўланадиган янги иш ўринлари яратишнинг асосий омилларидан бири эканлигига ҳам эътибор қаратилади.

Тадбирда маҳаллий депутатларнинг хорижий инвестор ва экспортчилар билан ишлаш шакллари, усуллари ва механизмлари батафсил кўриб чиқилди. Шу жумладан, жойларда тегишли ҳоким ўринбосарлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ахборотини тинглаш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг комплекс мониторинг тизимини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар якунида инвестиция лойиҳаларини бажариш ва экспортни диверсификация қилиш ҳамда трансчегаравий товар айирбошлаш ҳажмини ошириш юзасидан иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари умумлаштирилди.

«Халқ сўзи».

ҲАРБИЙ ВА ТРАНСПОРТ ПРОКУРОРЛАРИГА НИСБАТАН ЁШ ЦЕНЗИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз оқоийшталлигини таъминлаш, замонавий қуролланган ва қудратли армияни шакллантириш ҳамда Қуролли Кучлар тизими ҳодимларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шундай бўлса-да, ҳарбий прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар қўнунчиликда тўлиқ ўз аксини топмаган.

Мазкур қўнун билан эса юқоридagi каби масалаларни иқобий ҳал этиш кўзда тутилган. Унга мувофиқ, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, ҳарбий прокуратура органларининг Қуролли Кучлар тизимида қўнунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни қучайтириш, шунингдек, ҳарбий прокуратура органларига ҳодимларни ҳарбий хизматга қабул қилиш, лавозимидан озод этиш ҳамда ҳарбий ўнвонлар беришни тартибга солувчи қўшимчалар киритилаёттир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура ва Транспорт прокуратурага нисбатан ёш цензи қўлланилмоқда, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратурлари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар прокуратурлари ва уларга тенглаштирилган прокуратура лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахсларни тайинлаш қонидаси ҳарбий прокуратура ва Транспорт прокуратурига нисбатан ҳам таъбиқ қилинмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қўнун мамлакатимиз Қуролли Кучлар тизимида қўнунийликни таъминлашга, жумладан, Қуролли Куч-

лар тизимида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга доир қўнунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишига хизмат қилади.

Махлисида «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунининг 31-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қўнун ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг ўрни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да, адвокатурга ишга қабул қилиш тартиб-таомиллари янада соддалаштириш, шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шугўлланиш ҳуқуқига доир лицензияни олиш тартибини соддалаштириш зарурати мавжуд эди. Масалан, амалдаги тартибга кўра лицензия олиш учун адвокат мақомига эришишни истаган шахс юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак эди.

Ушбу норма мавжудлиги юртимизда адвокатларнинг, шу жумладан, ёш юристларнинг ушбу соҳада фаолият бошлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда 4 625 нафар адвокат фаолият юритаётган бўлса, шундан 30 ёшгача бўлганлар сони атиги 1 фоизни, 50 ёшдан ошган адвокатлар сони эса 2 619 нафарни ташкил қилаёттир. Натижада умумий ҳисобда ҳар 7,6 минг аҳолига 1 нафар адвокат тўғри келмоқда.

Сенаторлар томонидан муҳокама жараёнида бу қўнун айнан юқоридagi масаланинг ҳуқуқий ечимли сифатида ишлаб чиқилгани алоҳида қайд этилди.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНING МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида парламент юқори палатаси навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этиладиган бир қатор қўнунлар кўриб чиқилди.

Дастлаб сенаторлар томонидан «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунининг 43-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш ҳақида»ги қўнун юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофазалаш, экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек, биологикмаҳлилкини сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёввойи ҳайвонлар табиий эртига оид турларнинг, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларнинг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, йиртқич ва заҳарли ёввойи ҳайвонларни яримзор шaroитда ёки тупқулликда сақлаш, улардан тижорат мақсадида фойдаланиш, уларни жамоат жойларида сайр қилдиришнинг турли ҳодисаларга олиб келиши ҳолатлари учраётганлиги сабабли ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида қўнун ҳужжатларини тақомиллаштиришнинг даврнинг ўзи тақозо этаётганлиги.

Афсуски, айрим фуқаролар ёввойи йиртқич ва заҳарли ҳайвонларни тўй, маърака, юбилей ҳамда бошқа оилавий тадбир ва маросимларга олиб келиш ҳолати ортиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, атрофдагиларга жиддий хавф тудиряпти.

Амалдаги қўнунчилик ҳужжатларида фуқаролар томонидан ёввойи йиртқич ва заҳарли ҳайвонларни уй шaroитда сақлаш масаласи ҳуқуқий тартибга солинмаган.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан «Ёшлар ва қўнунчилик» мавзусида дара суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимизда олтинчи марта нишонланаётган байрам — Ёшлар куни арафасида ўтказилган мазкур тадбирда Қўнунчилик палатаси депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳамда умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирок этди.

Давра суҳбати

Таъкидланганидек, юртимизда кейинги йилларда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиб, уларнинг қўнуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзу-интилишлари, қўбилият ва саноий-таомиллари янада соддалаштириш, шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шугўлланиш ҳуқуқига доир лицензияни олиш тартибини соддалаштириш зарурати мавжуд эди. Масалан, амалдаги тартибга кўра лицензия олиш учун адвокат мақомига эришишни истаган шахс юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак эди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий база мустаҳкамланиб, улар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган қўнун, Фармон ва қарорлар қабул қилинган мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хўнарларни пухта эгаллаб, халқроқ майдонда рақобатда қирш олидиган барқаром шахсларни тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳими, ёшларга берилаётган эътибор, уларга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик миқёси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янгиланган Бош қўмусимизда ҳам ёшларнинг таълим олиши, иқтисодий ва табиий ҳимояси, уй-жой бўлиши, бандлиги учун шарт-



орқали эртамик эгаларига 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

53 минг нафар эҳтиёжманд талабага шартнома пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат ва 13 минг нафарига чет тиллар бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. «Ёшлар дафтари» орқали 300 минг йигит-қизга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Умуман, ўтган давр мобайнида ёшларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлаш ва уларни иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар урдулданли.

Айни пайтда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, ёшлар сийсатига оид фундаментал аҳамиятга эга «Ёшлар оид давлат сийсати тўғрисида»ги Қўнунни замон талабидан келиб чиқиб тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, 2016 йилда «Ёшларга оид давлат сийсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунини қабул қилингандан сўнг ёшлар масаласига оид 120 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

САНОАТ, САВДО ВА ҚУРИЛИШ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА



Хусусан, 2017 — 2022 йилларда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 21,1 фоиздан 26,7 фоизга ошди. Бу даврда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўсish 141,3 фоизни ташкил қилди. Бундай барқарор ўсishни ЯИМда саноатнинг улуши ортishiга олиб келди.

Бу борада ишлаб чиқариш саноат тармоғи жадал сурьатлар билан ривожланиб, ўсish сурьати ўтган давр мобайнида 47,4 фоиз бўлди. Бундан ташқари, электр, иссиқлик ва газ таъминоти тармоғи (39,2 фоиз), шунингдек, тоғ-кон саноатида (30,4 фоиз) сезиларли ўсish сурьатлари кузатилади.

Қолаверса, Ўзбекистон саноатининг 83,2 фоизини ишлаб чиқариш саноат тармоғи ташкил этади. Бу юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш, хомаёни қайта ишлаш даражасини ошириш, замонавий технологияларни жорий қилишга қаратилган тармоқларни ривожлантириш комплекс дастурлари ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасидир.

Бундан ташқари, ўрта ва юқори технологияли тармоқлар улушининг 52,7 фоиздан 61,7 фоизга ошгани ҳам саноат таркибидagi сифат ўзгаришларидан дарак беради. Бу ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам ҳаридоригр бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўлами ошганининг далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистонда қури-

лиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоғи сифатида белгиланган бўлиб, сўнгги йилларда амалга оширилган жадал ислохотлар сабабли юқори ўсish сурьатларини номоён этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегияси ва унга мувофиқ қабул қилинган давлат дастурларида мамлакат иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришда иқтисодий локомотиви сифатида қурилиш соҳасига, хусусан, янги бино ва иншоотлар, янги ишлаб чиқариш объектлари ҳамда ҳусусий тадбиркорлик, темир ва автомобиль йўллари, тураржой бинолари қурилишига алоҳида урғу берилди.

Натижада сўнгги беш йилда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг драйвер йўналишига айланди ва бу даврда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 минг сервис-хизмат кўрсатиш ва 10,5 минг иқтисодий соҳа объекти қурилди, 31 минг корхона ташкил этилди. Қурилишда рухсат берил жараёналар 17 тадан 6 тагача, ер ажратилишда бошлаб қурилишга рухсат олишгача бўлган мuddат 286 кундан 86 кунга қисқартирилди. «Шаффоф қурилиш» дастури яратилиб, тендерларда қатнаша оладиган қурилиш корхоналари сони 18 мингга етди. Буларнинг натижасида қурилиш ишлари ҳажми 4 баравар ошиб, 2022 йилда 130,8 триллион сўмга етди.

Шу билан бирга, ташқи савдонини эркинлаштириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомаёб ва товарларга боғжона боғжлари бекор қилинди. Боғжона ҳудудига қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди.

Ташқи савдо ва рақобат муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши борасидаги ишлар жадаллаштирилди.

Жаҳон савдо ташкилоти талаб-

латлантириш, импортни оптималлаштириш ва ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йилда ташқи савдо айланмаси 19,6 миллиард АҚШ долларига етди ва 2022 йилдагига нисбатан 2,3 миллиард АҚШ долларига ёки 13,4 фоизга қўлайди.

Саноат, ташқи савдо ва қурилиш соҳаларининг ривожланиши нафақат давлат иқтисодиётини мустаҳкамлайди, балки мамлакатда иш ўринлари яратилиши ҳамда маҳсулотларнинг жаҳон бозорларига чиқиб боришини ҳам таъминлашда янгидан-янги имкониятларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентли томонидан мазкур соҳаларни янада ривожлантириш бора-



Суратлар «Халқ сўзи» фотохажмаласидан олинди.

мизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар хорижий давлатлар билан савдо алоқаларининг жадал ўсishига хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар маҳаллий компанияларга ташқи бозорларда кўпроқ тажриба орттиришга имкон беради. Пировардида улар жаҳон савдосида рақобатдош устуңлиқка эга бўлади. Республикаимизда экспортни ра-

сиди илгари сурилаётган стратегик режалар мамлакатда рақобатдош, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, шунингдек, саноатнинг барқарор ва мутаносиб равишда ўсishи ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, технологик янгилаш ва йирик-йирик саноат корхоналарини яратишни мақсад қилган. Табиийки, бу хозирги кун талабидир.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ



Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қизгин паллага кирган. Хусусан, Президентликка номзодлар ҳудудларга чиқиб, сайловчиларни ўз дастурларида илгари сурилаётган мақсад ва вазифалар билан таништирмоқда.

Жумладан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Робахон Махмудова** ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда сайловчилар номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган муҳим тақлиф ва ташаббуслар билан яқиндан таништирилмоқда.

Президентликка номзоднинг **Тошкент шаҳри** сайловчилари билан учрашуви Тошкент давлат юридик университетидида бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва вазифалар “Адолат” социал-демократик партиясининг давлатий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида адолат тамойилларини таъминлашни назарда тутди.

Учрашувда номзод Робахон Махмудова йиғилганларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди. Хусусан, тадбир иштирокчиларининг ақсарияти ҳуқуқшунослар эканлигини инобатга олиб, дастурда суд-ҳуқуқ соҳасида илгари сурилаётган тақлифларга кенгроқ тўхталиб ўтди.

— Дастурда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, энг аввало, қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис биз **судларнинг чинакам мустақиллигини** таъминлашга қаратилган бир қатор тақлифлари илгари сурмоқдамиз, — деди Президентликка номзод Робахон Махмудова.

— Ҳаммамизга маълумки, ҳозирда судьялар ўз фаолияти юзасидан маҳаллий Кенгашларда мунтазам равишда ахборот бериш амалиёти мавжуд. Мазкур жараёнда **судьялар чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва нихоясига етмаган ишлар** бўйича ҳам савол-жавоб қилиш ҳоллари учрайди.

Шунга кўра биз судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида **судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш** тақлифини илгари сурмоқдамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси кундан-кунга ортиб бораётган бугунги кунда судьяларнинг шатлар сонини аҳоли сонига нисбатан мутаносиб эмас, шу боис **судьялар сонини оширишни** тақлиф этияпмиз. Сабаби, ҳозирда мамлакатимизда ҳар **100 минг аҳолига 3-4** нафар судья тўғри келса, бу кўрсаткич Германияда **24** та, Португалияда **19** та, Венгрияда **29** та, Хорватияда **42** та, Австралияда **27** таши ташкил этмоқда.

Шунингдек, **2022 йил** давомида мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича **бир судья бир ойда ўртача 180** та ишни, фуқаролик ишлари бўйича судья **250** та, иқтисодий суднинг судьяси эса **160** та ишни қўриб чиқишга тўғри келган.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, **бир судья бир ойда ўртача** АҚШда **40** та, Канадада **50** та, Японияда **10** та, Германияда **15** та ва Буюк Британияда **20** та иш қўради.

Учрашув сўнгига иштирокчилар ҳам номзод дастурида илгари сурилаётган тақлифлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Номзоднинг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, судлар мустақиллигига эришиш борасида ғояларнинг аниқ кўрсатилганлигини кўрдик, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев. — Хусусан, мен судьялар иктисослашувини янада кенгайтириш тақлифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ушбу тақлифнинг амалиётга жорий этилиши **оилавий, меҳнат, интеллектуал, вояга етмаганлар**

ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича иктисослаштирилган судьялар корпуси шаклланишига хизмат қилади ва ишлари судда қўришда самарадорлиқни оширади.

Шу билан бир қаторда, Сайловолди дастурида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига **“тоза кўлар”** сиёсатини сингдириш, қонун устуворлигини таъминлаш чораларини қўриш вазифалари белгиланганлиги ҳам эътиборга молик.

Президентликка номзоднинг **Коракалпоғистон Республикаси** сайловчилари билан учрашуви Нукусда бўлиб ўтди. Учрашувда номзоднинг ишончли вакили, партиянинг Коракалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нурибой Қайилбергенов йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи ва меҳнат фаолияти билан таништирди.

Сўнгра номзод Робахон Махмудова сўзга чиқиб, сайловчиларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирди. Хусусан, экологик муаммоларни ҳал этиш, бу йўналишда амалга оширилаётган сай-ҳаракатларни бirlаштириш, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини таъкидлади.

— Бугун барча экологик муаммоларни ва билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юқлаш тўғри бўлмайди. Шу боис биз **“Экологияни ифлослантирувчи — компенсация тўлаши лозим”** деган принцип тарафдоримиз, — деди Президентликка номзод.

Таъкидланганидек, номзод дастурида Орол минтақасида яшовчи фуқароларнинг тақдирини билан чамбарчас боғлиқ бўлган экологик муаммоларга ижобий ёчим топиш масалалари ҳам илгари сурилган. Хусусан, экологик чора-тадбирларни фуқаролик жамияти институтлари, экологик жамоат бирлашмалари билан нафақат умумий миллий микёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бўлишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш тақлиф қилинмоқда.

Самимий мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашув якунида партия фаоллари ҳамда бир қатор иштирокчилар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Учрашувда номзодимизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва мақсадлар билан атрофчида танишиш имконига эга бўлдик, — деди “Адолат” СДП Коракалпоғистон Республикаси Кенгашидаги “Аёллар қаноти” раиси Улбосин Сейтжанова. — Айниқса, дастурнинг олтинчи йўналиши бугунги кундаги долзарб масала — экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишлангани диққатга сазовор. Хусусан, ушбу йўналишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, барча қўрилишлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ экологик ҳолат ва барқарорлиқни ҳисобга олган ҳолда олиб бори-

лиши бўйича қўшимча чоралар қўрилиши эътиборимизни тортди.

Тадбирда сўзга чиққанлар иштирокчиларни бўлажак сайловда партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга қажирди.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг навбатдаги учрашуви **Фаргона вилоятининг** Қўштепа туманида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Робахон Махмудованинг ишончли вакили Иномжон Қудратов номзод ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг Президентликка номзод сўз олиб, ўз Сайловолди дастурида, энг аввало, Ватанизм тараққиёти йўлида ҳуқуқий давлат қуриш, иқтимоий адолатни ва миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини барқарор ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби улғувор мақсадлар назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

— Фаргонанинг Марказий Осиёнинг дурдонаси, деб таърифлашлари бежиз эмас, — дея алоҳида қайд этиб ўтди номзод. — Фаргона вилояти ўзининг бетакорр табиати, кўҳна тарихи, катта иқтисодий салоҳияти, унумдор тупроғи, бой деҳқончилик анъаналари, энг муҳими, меҳмондўст, меҳнаткаш, тадбиркор ва омилиқор инсонлари билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, вилоятда **400 дан ортиқ** моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Ана шу улкан ва бебаҳо мерос жиддий ўрганилиб, авайлаб асраб, авлодларимизга бенифсон етказишдек масъулиятли бурчимизни шараф билан бажаришимиз керак, деб таъкидлади.

Фаргона вилояти азалдан хунармандлар маркази сифатида дунёда ном қозонган. Бу ўринда Марғилонда ипакчилик тўқимачилик, Риштонда қўлолчилик, Қўқонда ёғоч ўймакорлиги қандақорлик санъат даражасига кўтарилган.

Шу боис биз Сайловолди дастуримизда азалий анъаналаримизни давом эттиришга алоҳида эътибор берамиз.

Дастуримизда, шунингдек, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш каби мақсадларни амалга оширишда Фаргона тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсад қилинган.

— Президентликка номзоднинг Сайловолди дастури билан танишиб чиқдик, — деди тадбир иштирокчилари ишбилармон Шахло Ғаниева. — Дастур мамлакат тараққиёти йўлида муҳим бўлган масалаларни ўз ичига олган. Айниқса, хотин-қизлар фаоллиги ва ролини ошириш барча бугундаги давлат қўшимчати ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакиллари кўпайтиришга доир тақлифлари ҳам-мамизни қувонтирди.

Шунингдек, дастурда **“Оналик, оталик ва болаликнинг давлат муҳофазаси тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Ўйлайманки, бу жуда чуқур ўйланган ва миллий қадриятларимизга мос келадиган тақлиф.



Зеро, оила муҳофазаси — жамиятнинг соғлом тараққий этишининг кафолатидир. Айни шу мақсадда номзодимиз дастурида репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида **“Соғлом оила — соғлом жамият 2030”** дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланганини эса фақат қўллаб-қувватлаш керак.

Президентликка номзоднинг Бухоро вилоятидаги учрашуви Бухоро давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтди. Унда партиянинг маҳаллий Кенгаш депутатлари, таълим соҳаси вакиллари, маҳалла фаоллари, нурунийлар, сайловда илк бор қатнашаётган ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни номзоднинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили, партиянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи ҳамда Президент сайловининг мамлакатимизнинг равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва мақсадларини сайловчилар эътиборига ҳавола этди.

— Бухоро вилояти азалдан илм-фан ва маърифат маскани бўлиб келган. Биз ҳам ўз Сайловолди дастуримизда маънавий тараққиётга эришиш, мамлакатимизда **илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривожини тараққиётимиз кафолати эканлигига алоҳида эътибор қаратганимиз**, — деди Робахон Махмудова. — Жумладан, мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчиллик билан олиб бориш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

Шунингдек, таълим соҳасида илғор давлатлар тажрибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда мактабларда таълим беришнинг амалдаги стандартларини такомиллаштирамиз, иқтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсонга олий таълим лумот олиш имкониятини кенгайтириш чораларини кўраемиз.

Биз дунё илм-фан ютуқларини ўзлаштиришни мақсад қилган эканмиз, таълим тизимига халқаро талаб ва стандартларни жорий қилишимиз муҳим саналади. Шу боис **Буюк Британия, Австралия, АҚШ ва Европа** мамлакатлари университетларида киришда номзодлардан **IELTS, TOEFL, Cambridge ESOL** каби халқаро сертификатларга эга бўлиш талабини 2025 йилдан бошлаб бақалавриятта кириш учун юртимизда ҳам инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибинин жорий қилиш чораларини кўраемиз. Бундай тажриба Грузия, Италия давлатлари амалиётда ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, учрашув якунида сўзга чиққан тадбир иштирокчилари ҳам номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватладилар.

— Номзод ўз дастурида илгари сураётган ғоя ва тақлифлар, албатта, юртимизнинг равнақи, фуқароларимизнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — деди мухожамда сўзга чиққан Бухоро давлат тиббиёт институти кафедраси ассистенти, фалсафа фанлари доктори Шахноза Пулатова. — Дастурда мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни барча соҳа ва тармоқларга изчиллик билан таъбиқ этиш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилгани олим сифатида мени мамнун этди.

Дастурда, шунингдек, мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислоҳ қилиш, марказдан узоқ қишлоқларда яшаб, аъло баҳолар билан ўқиган, ота-она қарамогисиз қолган, кам

таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат хисобидан олий таълим олишини кафолатлаш тақлифлари ҳам илгари сурилган. Дарҳақиқат, мактаб таълими — келажак асоси. Фақат замонавий маърифат, чуқур билимгина бизни ёрқин келажакка бошлаб борувиш йўлдир. Шу сабабли ҳам дастурдаги таълим соҳасини ислоҳ қилиш тақлифи илгари сурилгани кўпчиликка манзур бўлди.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида ўтказилган учрашувда Президентликка номзод тадбир иштирокчиларини ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирар экан, вилоят тарихига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бугун сизлар билан, улкан иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятга эга Қашқадарё вилояти аҳолиси билан учрашиб турганимдан бениҳоя мамнунман.

Чунки Қашқадарё улғў шоир ва ёзувчилар Ватани. Замонавий адабиётимизнинг Нормурод Нарзуллаев, Мухаммад Раҳмон, Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сингари ўнлаб, юзлаб ижодкорлар ўз асарларида Ўзбекистонни тараннум этиб, жаҳонга танитган.

Шу билан бир қаторда, Қашқадарё заминини том маънода олтин замин деб айтсак бўлади. Зеро, вилоят қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштириш ҳамда табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди.

Номзод Сайловолди дастурида илгари сурилган устувор йўналишлардан бири, мамлакатнинг энг катта бойлиги бўлган халқ саломатлиги мавзусига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Биз аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилишни давом эттириш тарафдоримиз. Жумладан, **“ақли тиббиёт”** тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини иқтимоий давлат таъмоилига мувофиқлаштирган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини** лойиҳасини янада такомиллаштириш, унда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш, аҳолининг барча қатлами тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг Сайловолди дастури борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Номзоднинг дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим тақлифлар ва уларни амалга ошириш ғоясининг изчил ёритилганлиги эътиборимни тортди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдурахим Ибраев. — Дастурдан ўрин олган энг муҳим масала, албатта, халқ саломатлиги масаласидир. Хусусан, номзодимиз нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш бўйича амалий чораларни қўриш тақлифини илгари суримоқда. Яъни Робахон Махмудова тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги тарафдори. Бунинг механизмлари, хусусан, тиббиёт сугуртасини ривожлантириш эса кўпчилик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиши керак бўлади. Бундай амалиёт АҚШ, Жаңубий Корея каби ривожланган мамлакатларда кенг қўланилиб, ўзини оқлаган.

Шунингдек, номзод дастурида фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортидан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга ундаш ҳолатлари борлиги ва бу каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар берилаётгани иштирокчиларда номзод дастурига нисбатан катта қизиқш ўйотди.

Дастурда тиббиёт соҳасидаги бундай муносабатлар тўғридан-тўғри коррупция сифатида баҳолашни, тиббиётчилар ва фармацевтлар орасида қонунчи муло-

қот тўлиқ тақиқлашни, бундай мулоқотлар ва совғалар учун жазо муқаррар бўлиши қатъий белгиланиши айтиб ўтилган. Бу каби тақлифларнинг амалиётга таъбиқ этилиши тиббиётимизнинг жаҳон стандартлари асосида ривожланишига хизмат қилади.

Хоразм вилоятида сайловчилар билан Президентликка номзоднинг учрашуви Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида ташкил этилди.

Тадбирни номзоднинг Хоразм вилоятидаги ишончли вакили — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Хоразм Маъмуни академияси профессори Икром Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, номзоднинг таржимани холи, меҳнат фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтди. Шунингдек, ишончли вакил номзод ўз Сайловолди дастурида давлат ва жамият тараққиётига, фуқаролар фаровонлигига оид изчил тақлифларни илгари сураётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Робахон Махмудова тадбир иштирокчиларига ўз Сайловолди дастурида илгари сурилаётган устувор йўналишлар хусусида гапириб берди.

— Фуқароларни иқтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида давлат ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромаднинг адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифамиздир.

Шу боис биз ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни бир маромида ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларда субсидиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиш устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш ҳамда ҳудудлардаги иқтимоий объектлар ва энг муҳим стратегик объектларда бошқа давлат мулкларини фуқароларга танлов имкониятини яратган ҳолда хусусийлаштириб бериш орқали ҳам муайян натижаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биз бу жараёнда божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, уни аниқ соҳаларга бериш орқали ҳудудларнинг мутаносиб тарзда бир хилда ривожланишини таъминлаймиз.

Учрашувда сўз олган тадбир иштирокчилари ҳам номзод Сайловолди дастуридан ўрин олган айрим масалаларга алоҳида тўхталиб ўттиди.

— Номзодимизнинг Сайловолди дастурида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини тараққий эттириш борасида ҳам қатор тақлифлар илгари сурилганлиги мен каби кўпчилик хоразмлик сайловчиларни кўнгилдаги гап бўлди, — деди “Адолат” СДП Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби Замира Абдуллаева. — Сабаби, вилоятимиз аҳолисининг бир қисмини кундалик турмуш тарзи бевосита қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари билан боғлиқ. Номзод дастурида белгиланган қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги орқали иқтисодий юқори натижаларга эришиш борасида тақлифлар, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ҳудудларда бўлиб ўтаётган учрашуларда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида тақлиф қилинаётган устувор мақсад ва ғоялар халқ фаровонлиги ва Ватан равнақига хизмат қилишини эътироф этиб, тадбир иштирокчиларини жорий йилнинг 9 июль кунини муқддатидан илгари бўлиб ўтадиган Президент сайловида “Адолат” социал-демократик партияси номзодини қўллаб-қувватлашга қажирмоқда.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Матбуот хизмати.

ТУГАНМАС МАЪНАВИЙ ҲАЗИНА



Собик иттифоқ даврида мустабид тузумнинг қатагон қилчи яланғочланиб, дахрийлик мафкураси ҳукм сурарди.

Ана шундай мураккаб даврда яшаган ва фаолият юритган муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонга осон тутиб бўлмади. Шу сабаб, таассуфки, халихануз “қизил муфтий” деб атаб, унинг ислом маърифати қўшган бекиёс улушлари камситмоқчи бўлганлар ҳам топилиб туради.

Олтин силсила давомчиси

Мовароуннахр олимлари ислом маънавияти ва маданияти салафларидир. Улар ислом олами мамлакатларини шу ғоя атрофида бирлаштириб, Самарқанд ва Бухоро тафсир мактабларида таниқли муфассирлар илмий изланишлар олиб боришган. Улуғ алломалари, маърифат-маданият даргалари билан доғ таратган Тошкент шаҳри ҳам бундан мустасно эмасди. XIX асрда Тошкент билан Бухоро, Қўқон, Насавф, Самарқанд, Термиз, Хива ўртасида маданий-маънавий алоқалар ривожланиб боради.

Бирок рус босқинчилари Марказий Осиёга юриш қилиб, Қўқон хонлигини босиб олди, қолган икки давлатни — Бухоро амрлиги ва Хива хонлигини ҳақ-ҳуққусиз вассалга айлантирди. Қулай стратегик ва жуғрофий кенгликда жойлашган Тошкент босқинчилар томонидан янгидан ўйлаб топилган Туркистон ўлкаси маркази этиб белгиланди. 1865 — 1868 йиллари Тошкентда бўлган рус тарихчилари асарларида, “Туркестанские ведомости” газетаси материалларида, муаррих Мухаммад Солиххонга Тошкандийнинг “Тарихи жадидаий Тошканд” асарида келтирилган маълумотлар орқали бу шаҳарнинг маданий-маърифий муҳити, масжидлар мадрасалари хусусида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Ана шундай мадрасалардан бири Мўйи Муборак деб аталиб, унинг мудarrisи, таниқли олим Абдулмажидхон эшон эди. 1858 йилда Тошкент шахрининг Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласидаги унинг хонадониди Эшон Бобохон таваллуд топади. Абдулмажидхон ибн Юнусхон, Хожа Абдулҳақ, Хожа Ахрор, Шайх Хованд Тоҳур, Занги ота сингари Тошкентда яшаган ўнлаб салафлари каби у ҳам кейинчалик ўз номини тарихга муҳрлайди.

Фиштни олов, инсонни дард пиштади

“Фиштни олов, инсонни дард пиштади” деганлар каби ҳаётнинг огир синовлари, қийинчиликлар, изтироблар, тўқматлар, қамқоллар таҳдид солиб тургани-

га қарамай, қалбида Аллоҳ ишқи билан яшаган бу муборак зот ўзини ўзи ибоб-лаб, ўзлигини яратиш орқали ўзбек халқи-га маърифат соҳасида шу қадар беқиёс хизмат кўрсатдики, унинг қўламини фақат Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳаёти ва фаолиятини мукамал ўрганиш орқали англаш мумкин. Салкам бир асрлик умри давомида у муқаддас динимизга хизмат қилди. Узидан олампаҳон ясаб олгани учун шахси емирилиб та-назулга юз тутган, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, “ўткан кунлар, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари”даги диний ҳаётни таққослаб ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қилар, ўзларини мусулмон кўрсатиб юрганларнинг асарияти китобларга амал этмай, ўзлари тўқиб чиқарган “хйлаи шаръий”лар, сохта фатволар билан халқдан узоқлашиб кетганига ғувоҳ бўлар-ди. Қуръони қарим, ҳадиси шарифи ўргангани сайин улардан таралаётган урн, зиё мавжуд ижтимоий ҳаётнинг теран қатлам-ларига этиб бормаётгани, бунга айнан жоҳил уламолар, тамағир умаро тўқсин-қил қилаётганини кўра бошлади. Ҳа, бу беҳиз эмасди. У асрлар давомида ташқи ва ички зулмдан силласи қуриган халқ уй-ғонилиши, рўшнолик қўришини истарди.

Шу тариха у Ҳақ йўлини истаб улгайди. Болалик чоғларидаёқ саводини отасининг қўлида чиқариб, сўнг амакивачаси, Бекларбеги мадрасаси мудarrisи Баҳодирхон умд муҳдм ибн Мухаммадхон эшон қўлида таҳсилни давом эттирди. Олти яшарлик пайтида, отасининг вафотидан сўнг, бо-боси Юнусхўжа эшон уни ўз қарамоғига олди. Кейинчалик бефарзанд аммиси Бибисорага фарзанд қилиб беради. Ун икки ёшга тўлганида эса Бухорога, Мир Араб мадрасасига ўқишга юборишади.

“Домла Икромча” шоғирди

Эшон Бобохон бахтига мадрасада саволларига жавоб бера оладиган ёруғ қарашли, илм-маърифатли инсонлар кўп бўлиб, таниқли олим, нақшбандия тариқ-ати шайхи Мухаммад Икром ибн Абдулсалоом Бухорийдан сабоқ ола бошла-ди. Гавдаси кичкина, микти бўлгани учун у “домла Икромча” номи билан ҳам маш-хур эди. Домла ёшлик чоғларидан ислом асосларини чуқур ўрганиб, сўз ва амал бирлигини қаттиқ ушлаган уламо эди. Ўз нафси йўлида дин аҳлининг турли сохта фатволар чиқаришига қарши туриб, бидъ-атларни қораларди. Шу сабабли, замон-дошлари уни мудarris, қоз, суудр ва муфтий сифатида ҳурмат қилиб, “Бухоро уламоларининг улуғи, мудarrisларнинг устози”, дея улуғлашарди. Унинг шоғирд-лари эл ўртасида қатта обрў-эътибор қозонишлари ҳам устознинг кенг билим соҳибига, ҳақғўй уламо эканида эди. Наманганилик шайхулислом Иноятуллоҳ Лангарий, таниқли адиб Садриддин Айний, андижонлик таниқли уламо Ҳасанхон Махдум Восилий ҳам домла Икромчанин-г шоғирдлари бўлишган.

Ўрни келганда айтиш мумкинки, домла Икромча Қуръони қарим ва ҳадиси шариф, фикҳга оид асарларни яхши билганидан таъқириб ўқиганларига амал қилиб яшаган. У Қуръонда лаънатланиб, балога гирифтор этилган Лут қавмининг одатини кескин қоралаган. Инсонпарварлик, эзгуликка йўғрилган гоғларга риоя этиш лозимлиги-ни қатъий туриб ҳимоя қилган. Шу феъл-

атвори туфайли танқидга учраб, жазолан-ган холлари ҳам бўлган. Домла Икромча-нинг ҳаёти ва фаолияти бугунги кун учун ҳам ибрат намунаси бўлишга арзийди.

Уша маҳалларда эски мактаблардаги қотиб қолган таълим-тарбия усуллари яроқсиз ҳолга келган эди. Абдулла Ҳахрор “Ўтмишдан эртақлар” номли автобиогра-фик асарида отаси уни яхши умидлар билан мактабга бергани, лекин мактабдор-лик қилаётган Сўфининг ўзи саводсиз бўлиб чиққанини реалистик услубда яққол тасвирлаган эди.

Бу каби ҳолатлардан яхши хабардор домла Икромча янги мактаблар очиш та-рафдори бўлади. Жадид мактаблари ёмон-лигини уламолар муқоама қилиб туриш-ган пайтда домла Икромча муфтий сифа-тида уларда ўқиш дуруст эканини тасдиқ-лаб, фатво чиқаради. Бухоронинг қатъа кичик аҳолиси ҳозир бўлган мажлисда му-даррис ва талабаларга қарата “Мен бу мактабни ислом одобига бутунлай муво-фиқ деб топдим. Диний тарбия бу мак-табда эски мактаблардагидан кўп даража устун экан. Исломият нуктаи назаридан бу хил мактабларни ривожлантириш ло-зим деб биламан”, дея хатто қилади. У ўз вақтида Бухородаги амрлик тузуми-дан норозилик кайфиятлари акс эттирил-ган “Йўқудагиларнинг уйғониши ва нодон-ларнинг огоҳ бўлиши” рисоласида илғор гоғларни илгари сурган эди.

Мир Араб мадрасасида мана шундай илғор фикрли уламодан Эшон Бобохонга ҳам сабоқ олиш насиб этди.

Жадид маърифатпарварларига ҳамқадам

Мир Араб мадрасасига бир кун назо-рат текшируви учун Тошкентдан Мухиддинхўжа исмли халқ судьяси бора-ди. Зайрак нигоҳи, ҳулқ-атвори, одоби билан ажралаб турган Эшон Бобохон унинг эътиборини ўзига жалб этади. Эшон Бобохоннинг Мир Арабга тахсилга туга-гач, айнан шу Мухиддинхўжанин-г тавсия-си билан Тошкентдаги Қўқалдош мадрас-асида ўқишни давом эттирди. Қўқалдош мадрасасида у домла Миён Молик Махсумий, байрутлик муҳаддис Сайид Али Зоҳирийдан кўп нарсаларни ўрганади. Домла Икромча, Миён Молик Махсумий, Сайид Али Зоҳирийнинг нақшбандия тариқатига ихлос қилишлари Эшон Бобохон дунёқарашига таъсир этиб, уни оддий халққа яқинлаштирган.

Эшон Бобохоннинг жадид маърифат-парварлари билан мустаҳкам алоқа ўр-натиши, диний илмларни дунёвий аниқ фанлар билан уйғун ҳолда ўқитиш керак-лигини қўллаб-қувватлаши, янгича таълим-тарбия тарафдори бўлгани унинг халқи-миз тарихидаги ўрнини белгилаб беради. Нақшбандия тариқатининг “Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” ғоя-си унинг бутун дунёдаги аҳамиятини белгил-аб беради. Эшон Бобохон хунармандларни, деҳқонларни, оддий ишчиларни, уларнинг юрт тараққиёти учун қилаётган меҳнатла-рини оқлашар эди.

1896 йилда, учинчи фарзандини дунёга келтираётиб Тўхтаҳон оламдан ўтганидан сўнг Эшон Бобохон Тошкентнинг кўза қўринган кишилиридан бўлган Сиддиқхўжанин-г қизига уйланади. Ўтган асрнинг бошларида Тилла Шайх масжи-дида имом-хатиб бўлиб ишлайди. Шунинг-дек, Мўйи Муборак мадрасасида дарс бе-ради. У 1912 йилда қайнотаси ва ўғли Саидқамолхон билан ҳажга йўл олади.

Эшон Бобохон шўрларан инқилобига эҳтиёткорона муносабатда бўлади. Жа-дидлар билан яхши алоқада бўлгани ҳолда у янгилишлар, илм-фан ривож-

ланиши, жамият тараққиёти тарафдори эди. Октябрь инқилобидан сўнг Эшон Бобохон ханафий олим сифатида мўъта-диллиқни сақлаб, янгича шароит билан ҳисоблашиш, қисман мослашиб бўлса-да, халқни ношаръий ишлардан қайтариб туриш зарур, деб ҳисобловчи уламолар-га ҳамфикр бўлди. Шунга қарамай, ҳукм-рон тузум тазкибига учради.

Таъқиб ва таъзиқ остида

1924 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб турган барча масжид ва мадрасалар ёпиб ташланди. Таниқли диний уламолар қамқоқа олиниб, совуқ ўлкаларга сургунга юборилди. Дин аҳли, зиёлилар ўз юртла-рини тарк этишга мажбур бўлишди. На-фақат Қуръон ёки ҳадис мутлоа қилиш, балки бу китобларни ўйда сақлашнинг ўзи ҳам мушкул эди. Мана шундай таҳликали кунларда Эшон Бобохон имомлик қилаёт-ган Тилла Шайх масжиди диний ҳаётнинг Тошкентдаги биргина маркази бўлиб қолди. Аммо бу ҳол узоққа бормади. 1928 йилда Эшон Бобохонга қайнотаси Мухиддинхўжа ҳадыя этган Яланғоч мавзе-сидаги ерлари ва мол-мулки мусосдара қилинди. Эшон Бобохон қатта ўғли билан бирмунча вақт яшириниб юришга мажбур бўлди, кичиги ўқийтган мактабидан ҳай-даб юборилди. Оиласи билан Ҳазрати Имом маҳалласидаги ҳўлисидан мажбу-ран қўйрилиб, унга қатта солиқ солинди.

Эшон Бобохон онасидан мерос қолган Қорасаройдаги Қўрғонча деб аталган дала-хўлига оиласи билан қўчиб ўтади. Ке-йинги икки йил давомида ҳам мунтазам қузатув остида бўлади. 1937 йилдаги қат-ғонлар даврида Эшон Бобохон ва унинг ўғли Зайнулдинхон диний фаолияти туфай-ли қамқоқа олинди. Шахсий кутубхонаси-дан қўллаб қўммабтоҳ китоблар, арабча қўлёзма асарлар олиб кетилди. Эшон Бобохонни бирмунча вақтдан кейин қўйиб юборишди, Зайнулдинхон эса бир йил ўтиб Бурятияда жойлашган мабухуслар лагери-да вафот этди. 1941 йилга келиб, Эшон Бобохон иккинчи марта қамқоққа олинди ва кўп ўтмай жиноят излари топилмагани учун унинг иши ёпилиди.

Инсон қайси замон, жамиятга яшашин-дан қатъи назар, илм-маърифатга инти-лиши, қасбу ҳунар эғаллаб, туғилиб ўсган юртини гуллатиб-янаштиши, обод-фаро-вон қилиши, халқи, миллати манфаати йўлида ишлаб, ўзи ҳам бахт-саодатга эришиши — Ҳақ йўлидир. Эшон Бобохон тутуми ана шу йўл эди.

85 ёшли муфтий

Фашизмга қарши қонли жангларда жон олиб, жон бераётган, ҳалок бўлган му-сулмонлар жанозасиз қўйиб юборилаёт-гани диндор аҳоли орасида эътирозларга сабаб бўлаётгани, бундай ҳалок жанго-варликнинг сусайишига олиб келаётгани баоридан мамлакатда номига бўлса-да масжидлар очили, диний маросимларни ўтказиш, Ўрта Осиё ва Қозғистон мусул-монлари диний бошқармасини тузишга рухсат берилади.

Иккинчи жаҳон урушининг авхи қизгин палласида, 1943 йилда дин хийла эркин бўлади. Албатта, бу беҳиз эмасди. Душ-манга қарши қурашда диний бирлик, асл мусулмонларнинг Аллоҳдан ўзга ҳеч ким-дан қўрқмай-хайқмай жасорат кўрсатиш-лари айни дамда совет қўшнларини руҳ-лантириш учун жуда зарур эди. Уруш ту-габ, ҳамма нарса изига туша бошлаши биланқо ҳукумат эски қилиғини қилиб, ўзи эркинлик берган диний мавзуларни яна тақиқлашга киришди. Албатта, бундай ҳодисаларнинг замирида мустабилликнинг узокни қўзлаган, халқни забунулида,

қарамликда тутиб туриш сиёсати ётарди. 1943 йилнинг 15 — 20 октябрь кунлари Эшон Бобохон уйда бўлиб ўтган қурул-тойда Ўрта Осиё республикалари ва Қозғи-стондан 160 нафар делегат иштирок эта-ди. Қурултойда Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний бошқармаси тузиш-га келишиб олинади. Унга ислом илмини чуқур ўрганган 85 ёшли Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ибн Юнусхўжа раис ҳамда муфтий лавозимига сайланади. Эшон Бобохон шахсий мулки бўлган минглаб диний китоблар ва қўлёзмалар-ни бошқарма ихтиёрига ўтказганини маъ-лум қилади. Қурултойда шўро ҳукумати топ-шириғига кўра мусулмонларга мурожаат қилинади. “Биз, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозғис-тон мусулмонлари номидан мазкур Муро-жаатни сиз, азиз биродарларимиз ва фар-зандларимизга йўлламоқдамиз, — дейи-лади унда. — Барча халқлар билан елка-ма-елка туриб немис-фашист босқинчи-ларига қарши қўрқмас шер каби кураш олиб бориңг, миллатчи газандларнинг бир донасини ҳам қолдирмай ер юзидан сүри-риб ташланг! Бизнинг еримизни ҳар қари-чини темир тартиб-интизомингиз билан ҳимоянгизга олинг. Биз аскарларимизни ўз паноҳига олиб ҳимоялашини ва ғала-бага эришишлари учун қўмак беришини Аллоҳдан илтижо қилиб сўраймиз”.

Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонла-ри диний бошқармаси муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилиги-да фронтга мисли қўрилмаган ёрдам кўрсатади. Улар томонидан 1 280 000 рубл-даги пул, 117 000 рубль микдорида били-гациялар, 93 тонна озиқ-овқат маҳсулот-лари ва 90 бош йирик шоҳли қорамол фронтга юборилади. Аскарлар учун кийим-боялар, жангларда ҳалок бўлган ва изсиз йўқолган ҳамда фронтдагиларнинг оила аъзоларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳам диний бошқарма алоҳида эътибор қаратади.

Ташаббускорлик ва жасорат

Шу сабабли бўлса керак, 1943 йилдан мусулмонлар қўчлиқини ташкил этган ша-ҳарларда масжидлар фаолиятига рухсат берилади. Аммо бу даврга келиб имом-ликка яроқли саводли одамлар бармоқ би-лан санарли бўлиб қолганди. Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бу масалага ечим топиш учун ҳукумат қаршичилигига қарамай, фаолияти тақиқланган Мир Араб мадрасасининг 1945 йилда қайта иш бош-лашига эришади. Урушдан кейин дунё му-сулмонлари билан узилиб қолган алоқа-ларни тиклашда фаол иштирок этади. Ҳаж амалларини бажаришни қайта йўлга қўяди. 1945 йилда ўзи бошчилик қилиб, бир гуруҳ ҳамюртларимизни Ҳажга олиб бориб келади. 1955 йилда Бароқхон мадрасаси фаолиятини йўлга қўйишга эришади. Ўз шахсий маблағлари ҳисобидан мадраса

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Мусулмонлар идораси томонидан “Бобохонлар сулоласи меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси” асосида самарали ишлар олиб бориляпти. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази музей экспозициясида Бобохонлар сулоласи тарихини ёритиш, бу сулола томонидан тақдим этилган материаллар асосида мақола, рисола ва китоблар ёзиш, ҳужжатли фильм ва кўрсатувлар тайёрлаб, уларни кенг жамоатчиликка етказиш алоҳида эътиборда.

Давлатимиз раҳбарининг кучи кеча “Марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни “Олий Даражадаги Имом Бухорий” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилингани Бобохонлар сулоласининг собиқ иттифоқ даврида мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлаш, турли дин вакиллари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга қўшган хизматлари асло унутилмаслигига яна бир далолатдир.

Шойим БЎТАЕВ
(«Халқ сўзи»)

Реклама

ЭЪЛОН! ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги 141-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли ҳамда 2022 йил 25 июлдаги 404-сонли қарорларига асосан, Айдар-Арносей кўллар тизимининг бўй сув ҳавзалари участкалари танлов асосида ижарага берилиши маълум қилинади.

Танлов ташкилотчиси: «Айдар-Арносей кўллар тизими» МЧЖ.

Манзили: Жиззах вилояти, Арносей тумани, Фолиблар шаҳарчаси.

Телефонлар: 93-303-44-28, 88-567-00-05.

Электрон почта: aydarkol@umail.uz

Танлов предмети: Айдар-Арносей кўллар тизими сув ҳавзасидаги 269,6 минг гектар бўлган жами 118 та лотни балиқ овлаш ҳўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга очик танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлар танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни «Айдар-Арносей кўллар тизими» МЧЖдан олишлари мумкин.

Талабгорлардан аризани кўриб чиқиш учун БХМ-нинг учдан бир баравари микдорида тўлов ундириллади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танловни тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун ишлатилади. Бюортманомани кўриб чиқиш учун тўланган тўловлар қайтарил-майди.

Бундан ташқари, талабгордан сув ҳавзаси

участкаси учун белгиланган йиллик ижара ҳақининг 30% микдорида тўлов (гаров пули) ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танлов голи-бининг дастлабки ижара ҳақи учун тўлов сифа-тида ҳисоб-китоб қилинади. Танловда голиб бўла олмаган талабгорларнинг ушбу тўлови қайта-рилади.

«Траст банк» ХАБ Жиззах вилояти филиали х/р: 2021 0000 1007 4754 5001; МФО-01166; СТИР: 304 741 887;

«Айдар-Арносей кўллар тизими» МЧЖ.

Тўлов мақсади: «Танловда иштирок этиш учун тўлов».

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали бюортма хат билан, аризани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳуж-жати билан бира, 2 та муҳрланган конвертда (АСЛИ ва НУСХАСИ) қўйидаги ҳужжатларни: «Айдар-Арносей кўллар тизими» МЧЖга тақдим этиши лозим:

1. Кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини

тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (жумладан, БХМ-нинг учдан бир баравари микдорида тўлови ва йиллик ижара ҳақининг 30% микдори тўланганли-гини тасдиқловчи).

2. Корхона гувоҳномаси ва устави (низом) нусхаси.

3. Корхона раҳбари паспорт нусхаси, раҳбар-ликка тайинланганлиги тўғрисида бўйруқ, Корхо-нада мавжуд ишчи ҳодимлар рўйхати (паспорт нус-халари илова қилинган ҳолда).

4. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича биз-нес-режа:

4.1. Бизнес-режада қўйидаги асосий қоидалар акс эттирилиши лозим:

— бир йилда ўртча овланиши қўтилаётган мик-дор;

— иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумотлар;

— киритилиши қўтилаётган инвестиция микдори ва соҳаси;

— балиқ овлашни амалга ошириш бўйича биз-нес-режанин-г молиялаштириш манбалари (талаб-горнинг ўз маблағлари ҳисобига, кредитлар ва ҳоҳсоа) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

— ташкил этиладиган иш ўринлари сони;

— ҳодимлар штатининг таърифи балиқчилар, ихтиологлар, бошқа мутахассис ва экспертлар билан тўлдирилганлиги.

5. Корхона баласидаги ёки айнан корхона

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюортма Г — 641. 17 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиңг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанин-г етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифалана.
Газетанин-г полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.40 Тошширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Муасхўҳ — С. Исламов.